

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги  
Жамоатчилик кенгашининг 2023 йил учун  
ИШ РЕЖАСИ**

№	Тадбир номи	Ижро муддати
1.	Энергетика вазирлиги томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек энергетика соҳасини ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, вазирлик зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш	доимий
2.	Энергетика вазирлигига нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш.	Ҳар йили январь-декабрь
3.	Энергетика вазирлиги фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш.	доимий
4.	Энергетика вазирлиги фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	доимий
5.	Энергетика вазирлиги фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш.	Ҳар йили декабрь ойи

6.	<p>Энергетика вазирлиги ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатишган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил яқунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.</p>	доимий
7.	<p>Ёқилғи-энергетика комплекси соҳасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка маълумот бериб бориш</p>	доимий